



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

Nº 4 / 2021

IMOM BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI –
YANGI
O'ZBEKISTONNING
YANGI TIMSOLI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ.	Китоб савдоси борасида қўлёзмалардаги айрим қайдлар.....	4
Отабек МУҲАММАДИЕВ.	Аҳли сунна вал жамоа ақидасини тарғиб этишда “Лубобул қалом” асарининг аҳамияти.....	6

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Феруза НИЗАМОВА.	Хусрав Деҳлавий ижодининг тарихига чизгилар.....	9
Илҳом БЕРДИЯРОВ.	Мовароуннаҳрик фақиҳларнинг асарларида келтирилган молиявий масалалар.....	10
Зебинисо ХУРРАМОВА.	Абдушукур Қори Яхшибоевнинг лирик мероси: матний тадқиқ ва таҳлил.....	12
Хуршида НАЗИРОВА.	«Хусайн Хоразмий» ҳақида янги мулоҳазалар.....	14
Каромиддин ЖАМАҲМАТОВ.	Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий ижодининг жанрий таркиби ва унинг ирфоний талқини.....	16
Мавзуна ШЕРОВА.	XI-XII асрларда Мовароуннаҳр арабийзабон адабиётидаги дидактика жанри хусусида айрим мулоҳазалар.....	17
Behzod RUSTAMOV.	Navoiy tasavvuf va falsafa.....	19
Азиза ҚАЮМОВА.	Абу Зайд Муҳаммад ибн Халдуннинг илмий мероси.....	21

НОДИР МАНБАЛАР

Нигора ЮСУПОВА.	Бурҳониддин Марғинонийнинг ал-Ҳидоя асари муҳим фикҳий манба сифатида.....	23
Муслим АТАЕВ.	“Ал-асъила ва-л-ажвиба”нинг илмий танқидий матнини тузиш тамойиллари.....	25
Акмалхон АКМАЛХОНОВ.	Абу Яъкуб Саккокий “Мифтаҳу-л-улум” асарининг қўлёзма нусхалари ҳақида....	27
Баҳодиржон АЗАМОВ.	Ҳаким Термизийнинг “Ал-Амсол минал-қитоб вас-сунна” асарининг қўлёзма ва замонавий нашрлари тавсифи.....	28
Йўлдошхон ИСАЕВ.	Замахшарийнинг “Атвоку-з-заҳаб” асарининг икки нодир қўлёзма нусхаси.....	30
Нодир ҚОБИЛОВ, Ирода Даурбекова.	“Саҳиҳул Бухорий”нинг Мақдисий қўлёзма нусхаси”нинг тавсифи..	31
Нигора ХАКИМОВА.	Қафғол Шошийнинг “Маҳосин” асарида ҳусн ва қубҳ масаласи.....	33
Ферангиз КАЛАНДАРОВА.	“Тарихи салотини Манғития”да амирликнинг давлат бошқаруви масалаларининг ёритилиши.....	35
Ильгам САБАНЧИН.	Причина написания книги «Аль-Барк аль-Вамид аля аль-Байд аль-Мусамма би-н-Накыд» Ш.Марджани.....	38

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Жамшид ШОНАЗАРОВ.	Икки буюк саркарда: Амир Темур ва Йилдирим Боязид.....	39
Фарруҳ АҚЧАЕВ.	Жиззах воҳаси аҳолисининг мотам ва хотира маросимлари хусусида.....	40
Нодира СУЛТОНОВА.	Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни.....	42
Дилноза ЖАМОЛОВА.	Бухоро жадидларининг “Тарбият атфол” жамияти ва унинг Истанбулдаги шахобчаси..	43
Алишер САНДИБОЕВ.	Шовдор рустоқи ва унинг локализациясига доир янги маълумотлар.....	46
Янгибай ТУРДИМУРАТОВ.	XX аср бошларида Сурхон-Шеробод воҳасининг этноиқтисодий тизимида чорвачилик.....	47
Иҳтиёр КУШШАКОВ.	“Чорчинор” эпиграфик ёдгорликлари.....	49
Kurshid JUMANAZAROV.	O'zbek xalqining tabobat tarixiga nazar.....	51
Юлдаш ЮЛДАШЕВ.	Хива хонлари архиви ва унинг ўрганилиши.....	53
Ахрор ЭШМУҲАМАТОВ.	Жиззах воҳаси аҳолисининг “чорва ҳисоби” билан боғлиқ тақвимлари.....	54
Феруз НАРМАНОВ.	XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	56

Одилжон ИНОМОВ. Қовунчи маданияти аҳолисининг тили масаласи.....	58
Ахмаджон ХУДАЁРОВ. Ўзбекистонда солик тизимини тубдан янгилаш борасидаги давлат сиёсати, унинг хуқуқий-меърий асослари ва институционал тизимининг вужудга келиши.....	61
Файрат ҲАМРАЕВ. Қушбеги лавозимининг Бухоро амирлиги бошқарув тизимида тутган ўрни хусусида.....	63
Бахтиёр РИЗАЕВ. Миграция населения в ближнем и среднем востоке VII-XVI века.....	64
Фирзуа ШИРИНОВА, Саодат ҲАМРОЕВА. Тарихий Манғит амирлари давлатчилиги: ворисийлик ва замонавийлик.....	65
Нафиса ВАЛИЕВА. Ислом мактаблари. Совет ҳукуматининг ислом маданияти ва эътиқоди борасидаги сиёсати.....	68

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Адҳам АШИРОВ. Ислом динида сувга муносабат.....	69
71.....	ادأدهم تمام فراج . علوم الوحى والعلوم الإنسانية
Мухтор НАЗИРОВ, Мейербек ЕРГАШБАЕВ. Замонавий ҳалқаро муносабатларда мусулмон дунёсининг ўрни.....	73
75.....	سالم عنوللين . شبهة عدم التخرج للإمام أبي حنيفة في الكتب الستة والرد عليها
Иргаш ДАМИНОВ. Мўътазилийлик ақидаси: шаклланиши, ёндашувлар.....	78
Ro'zimuhammad TO'XTASINOV, Dilovar SULTONOVA. Movarounnahr fiqh manbalarida ayollarning ziynatlanish me'yorlari.....	80
Sa'dulla BOBOXODJAYEV. Sharqda hadisshunoslik ilmining yuzaga kelishi.....	81
Гулноза АЛИЖНОВА. Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Кутуби ситта ва муаллифлар” асарида ҳадис тушунчаси ва илмининг ёритилиши.....	83
Алоуддин НЕМАТОВ. Мотуридийлик таълимоти ривожига ҳисса қўшган хитойлик тўрт шайхулислом.....	85
Шукрулло ЖЎРАЕВ. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида диний бағрикенглик масаласи.....	87
Малика ТЎХТАЕВА. Ўрта Осиёда Биринчи Ренессанс даври амалий санъатини XX аср санъатшунослари томонидан ўрганилишининг баъзи жиҳатлари.....	89
Жонибек ЖУМАЕВ. Мустақиллик арафасида диний-маърифий соҳа трансформацияси.....	92

ИЖТИМОЙИ ИНСТИТУТ

Рустам ШОДИЕВ, Дилрабо АМРИДИНОВА. Жадидлик таълимотининг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти.....	94
Машҳура РАШИДОВА. Миллий маънавиятимиз тараққиётида қадрияtlар ўрни.....	95
Элёр АЛИМКУЛОВ, Раъно УРАЗОВА. Жаҳон динлари миқёсида ой рамзи.....	97
Jaxongir PULATOV. Barqaror taraqqiyot konteksiда inson taraqqiyoti konsepsiysi.....	99
Mohira ABDULLAYEVA. O'zbekiston hududida bag'rikenglik va vijdon erkinligining ta'minlanishing tarixiy ildizlari.....	100
Xabibullo SADIBAKOSEV, Sirojiddin ABDUVITOEV. Yangi O'zbekiston tashqi siyosatining xalqaro muносабатлар tizimidagi ro'li va istiqbollari.....	104
Хонзода МАДАЛИЕВА. Христианликда муқаддаслик феноменига муносабат-троица.....	106
Жаҳонгир АЛЛАБОЕВ. Мехнатдан бегоналашувнинг жамият тараққиётига таъсири.....	107
Лола КАРИМОВА. Абдураҳмон Жомийнинг рашҳаларида инсон масаласи.....	109
Махмуд ДЕҲҚОНОВ. Махалла ва оиласи ижтимоий ҳимоялашда фуқаролик жамиятининг ўрни.....	110
Natalya RADJAPOVA. Gender tengligi insonning rivojlanish barqarorligining omili sifatida.....	111
Илҳом РИЗАЕВ. Ижтимоий тизимни эркинлаштириш ва жамият тараққиёти.....	113
Алишер ТОЖИЕВ. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари.....	116

Лазизахон АЛИДЖАНОВА. Ўрта асрларда христианлик таълимотининг тиббиёт ва вабо касаллигига муносабати.....	117
Хосият МУЛЛАЖАНОВА. Тарихий онг ва хотира миллий ўзликни англашнинг омили.....	119
Мирзо ИХТИЁРОВ. Давлат бошқаруви жараёнида телеканалларда ёритиладиган муаммоларнинг фалсафий таҳлили.....	121
Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Зиёрат туризми – туризмнинг энг истиқболли ва манбаатли йўналиши.....	123

ФАЛСАФИЙ МУШОҲДАЛАР

Соҳибназар КАРИМОВ. Тасаввуф фалсафасида комил инсон масаласи.....	126
Шуҳрат БОЗОРОВ. Аҳмад Доңиш илмий меросининг фалсафий аҳамияти («Наводирул вақое» асари мисолида).....	128
Санжар МУРАДОВ. Фариуддин Аттор асарларида илм ва маърифат тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	130
Мирзоулуғ МАМАСАЛИЕВ. Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги фалсафий-аҳлоқий масалалар.....	131
Мансур ВАХАБОВ. Тарғибот ва ташвиқотнинг генезиси ва эволюцияси.....	133

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ


Улуғбек ЯЗДОНОВ, Соҳиба ЯЗДОНОВА. Ўзбекистонда таълим тараққиёти: режалар, марралар, муаммолар.....	135
Saida YULDASHEVA. Innovatsion fikrlash va tanqidiy fikrlashning ta’limdagi o’rni.....	136
Lola XASANOVA, Marg’uba MURATOVA. Yoshlarda vatanparvarlik tuyg’usini kuchaytirish imkoniyatlariga doir fikr-mulohazalar.....	137

МАҲНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Батырбек ХАШИМОВ. Интернетнинг илмий соҳадаги ўрни.....	139
--	-----

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Расулуллоҳ қайтарган уч амал.....	140
-----------------------------------	-----



билин инсон яхши ва ёмонни (хусн-кубх) ёки фойдали ва зарарли томонларни танлаш қобилиятига эга. Инсон ўзининг хоҳиши-истаклари, иштиёқи ва кутган нарсаларига эришиш йўлида бошқаларга нисбатан адолатсиз бўлиши мумкин, адолатсизлик қилиш орқали жиноят содир этиши ва шахслараро тартибни бузиши мумкин. Чунки одамлар бу борада турли хилдаги мойиллик, кудрат ва иродага эга.

Инсонлар доимо ризқини ва дунёвий истакларини топиш, қондириш учун ўзаро рақобатда, улар Аллоҳ, ўрнатган чегардан ўтиб, шайтонга эргашиши мумкин. Умуман олганда, у (инсон) зарарли нарсаларнинг қисқа муддатли лаззатига алданиб қолиши мумкин ва сабр-тоқат билан эришиладиган катта мукофотлар ўрнига ўз нафсига муносиб тарзда қисқа муддатли истакларни танлаши мумкин. У абадий дунёнинг саодатини унтутиб, ўткинчи дунёнинг вакътнчалик шахватига фарқ бўлиши мумкин. Шу сабабли Аллоҳ, инсонларни яхшилик ва ёмонлик (хусн ва кубх) ўртасидаги танловларида уларни эътиборсиз қолдирмайди ва Ўзининг въадалари, таҳдидлари, огоҳлантиришлари ва хушхабарлари билан одамларнинг

хатти-ҳаракатларига чегара қўяди. Бундан ташқари, Аллоҳ инсонга ўзини зарарли нарсалардан ҳимоя қилиши ва уларга қарши курашиши учун иродада кучини берган. Шундай қилиб, Аллоҳ одамларга ўз хоҳишиларига кўра аниқ қарор қабул қилишларига ёрдам бўлиши учун уларга яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги танловда юзага келадиган барча оқибатларни пайғамбарлар орқали маълум қилди” [5:539-540].

Қаффол Шоший китобининг кисмида қўйидагиларни ёзади: “Табиийки, инсон ўзини, оиласини ва яқинларини ёмонликка дуч келиб, зарар кўришини истамайди. Имтиҳон жойи бўлган бу дунёда, Аллоҳ таоло одамларга бузғунчилик, талончилик ва бир-бирларини ноҳақ ўлдиришнинг олдини олиши учун зарур барча фойдали, чиройли ва фазилатли хатти-ҳаракатларни шариат орқали ўргатади ва уларни бу зарарлар ва ёмонликлардан ҳимоя қиласди” [5:17].

Юқорида келтирилган таҳлилларга кўра Қаффол Шошийнинг асрларида “хусн” ва “кубх” масаласи тўлиқ ашъарийлик қарашлари асосида ёритилган. Бу эса “Маҳосин” асари мўтазилий ақидасидан йироқ ҳолда ёзилганини исботлайди.

5. Қаффол Шоший. Маҳосин ал-шария. // Таҳқиқ муваллифи: Али Самак. – Ливан.: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2007.

6. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Тарж. ва изоҳлар муваллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Sano-standart, 2021.

7. Mehmet Emin Maşalı. Kaffâl eş-Şâşî ve Kur'an-Yorum Anlayışı. – Ankara.: Otto Yaynevi, 2016.

8. Müntehâ Maşalı. Fıkhi Hükümlerde Hikmet Boyutu – Kaffâl eş-Şâşî Örneği. – Ankara.: Hermes Ofset, 2016.

9. TDV İslâm Ansiklopedisi. İlyas Çelebi. Hüsün ve Kubuh. – İstanbul.: TDV İslâm Araştırmaları Merkezi, 19-cilt, 1999.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Манзур. Лисон ал-араф. – Қоҳира.: Дарул маориф, 2007.
2. Низомуддин Шоший. Усулуш Шоший. – Карабчи.: Мактабатул бушро, 2008.
3. Низомуддин Шоший. Усулуш Шоший. // Таржима ва изоҳлар муваллифи: А.Аҳмадалиев // ўзбек тилига академик таржима. – Т.: Моварооннахр, 2016.
4. Тожуддин Субкий. Табакот аш-шофеъийя ал-кубро. // Таҳқиқ муваллифи: Маҳмуд Муҳаммад Тонаҳий. – Қоҳира.: Дар ихя ал-кутуб, 3-жилд, 1918.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақола Қаффол Шоший қўллаган “маҳосин” атамасининг илмий таҳлилига бағишиланади. Аллома шариатнинг барча буйруқлари яхши ва чиройли эканини ифода этиши учун “маҳосин” истилохини қўллаган, мақолада бу тушунча батафсил очиб берилади. Таянч сўзлар: усул ал-фиках, хусн ва кубх, Маҳосин ал-шария, Қаффол Шоший.

♦ **Annotation:** This article is dedicated to the analysis of the term “mahasin” used by al-Qaffal al-Shashi. The concept that the term “mahasin” has been used by the scholar to express that all the commandments of the Sharia are good and beautiful is explained in the article. Key words: usul al-fiqh, husn wa qubh, Mahasin al-Sharia, al-Qaffal al-Shashi.

♦ **Аннотация:** Данная статья посвящена научному анализу термина «махасин», используемого Каффалом Шаший. Термин «махасин» был использован ученым, чтобы выразить, что все заповеди шариата хороши и прекрасны, и эта концепция подробно объясняется в статье. **Ключевые слова:** усул аль-фиках, хусн и кубх, Махасин аш-шария, Каффал Шаший.

“ТАРИХИ САЛОТИНИ МАНФИТИЯ” Да АМИРЛИКНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ФЕРАНГИЗ
КАЛАНДАРОВА
Бухаду кафедра
ўқитувчиси

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида Бухоро амирлигига ўзига хос маъмурий – бошқарув тизими мавжуд эди. Бу бошқарув тизими амирликнинг XVIII асрда мавжуд тизимидан деярли фарқ қилмаган. Баъзи олий давлат лавозимларини ҳисобга олмагандан, амирликнинг маъмурий бошқарувида кўп асрлик анъаналар давом этган*. Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви ҳақида маълумот берувчи фундаментал асарлар жуда кам**. Шундай бўлса-да, биз бу ҳақдаги маълумотларни маҳаллий ва чет эл манбаларини таҳлил қилиш жараёнида топишмиз мумкин.

Шундай маҳаллий манбалардан бири, XIX асрнинг иккичи ярми ва XX асрнинг бошида Бухорода яшаб ижод этган Мирзо Абдулазим Сомий (1938-1908)нинг “Тарихи Салотини манфития” (Манғит амирлари тарихи) асари ҳисобланади. Асарни таҳлил қилиш жараёнида Бухоро амирлигининг нафақат сиёсий ҳаётини, балки давлат бошқарувига оид баъзи қимматли маълумотларни ҳам билиб олишимиз мумкин.

Асарни ўқиш жараёнида қўйидаги лавозимлар XIX асрнинг иккичи ярми ва XX асрнинг бошида ҳам мавжудлиги ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни аниқлашади. Булар:

- қушбеги
- девонбеги

- иноқ
- парвоначи
- қози ал-қуззот
- эшикоғабоши
- оталиқ
- нақиб
- мироҳур
- тўқсабо
- шифовул
- додҳо каби давлат лавозимларидир.

Шуни ҳам белгилаб ўтиш керакки, амирликдаги давлат лавозимларини ва амалдорларга берилган унвонлар-

* XVII асрнинг биринчи ярмида энг олий давлат амалдори нақиб, XVIII асрда оталиқ, XIX-XX аср бошларида қушбеги бўлган.

** Шундай асарлардан бири Мирзо Баъди Девоннинг “Мажмаъ ал-арқом”и бўлиб, у XVIII асрда ёзилган ва асарнинг илова қисмида амирликдаги лавозимлар ва уларнинг вазифалари аниқ қилиб ёзилган

ни бир-биридан фарқлаш лозим. ТСМ***да келтирилган шаҳар ҳокимларининг унвонлари бунга мисол бўла олади. Ҳокимларнинг турли хил унвонлари бўлса-да, улар фақат бир вазифани, яъни шаҳарни маъмурӣ-ҳудудий бошқариш вазифасини амалга оширишган. Мисол тариқасида ТСМ да ҳокимлар қуидаги унвонлар билан тилга олинган:

- Бобобекбий додҳо – Шаҳрисабз ҳокими
- Жўрабекбий додҳо – Китоб ҳокими
- Ёдгор парвоначи – Нурота ҳокими
- Каримқулбий иноқ – Шеробод ҳокими
- Қутлибой бий – Үратепа ҳокими
- Раҳмонқул парвоначи – Ҳисори Шодмон ҳокими
- Шерали иноқ – Самарқанд ҳокими.

Уларнинг турли унвонда бўлиши олдинги фаолияти билан боғлиқ. Яъни, ҳокимлар маълум бир шаҳар ҳокимлигига тайланлишидан олдин номларига кўшиб ёзилган унвонда фаолият кўрсатган ва кейинчалик ҳам аксарият ҳолларда қайси лавозимда фаолият кўрсатмасин, шу унвон билан чақирилган.

Рус тадқиқотчилари амирлик амалдорларининг баъзи унвонларини санаб, уларни Россия империяси ҳарбий унвонлари билан таққослашади:

- мироҳўр – капитан;
- тўқсона – подполковник;
- эшикофабоши – полковник;
- иноқ – генерал-лейтенант;
- парвоначи – генерал
- бий – бригадир.

Юқори табака вакилларининг аъзоларига иноқ унвони берилмаган. Улар тўғридан-тўғри ундан юқорироқ, яъни парвоначи унвонини олишган [1:239].

Манбаларда ёзилишича, амирликда давлатнинг мутлақ ҳукмдори амир бўлса-да, қуидаги тўрт лавозим эгаси амирнинг суюнчи бўлган:

1. Оталиқ – (ота ўрнида ота) унинг вазифаси Зарафшон дарёсининг сувларини Самарқанддан Қоракўлгача адолатли ва тенг тақсимлашдан иборат бўлган;

2. Девонбеги – бутун мамлакатда хирож (ер солиғи) устидан назоратни ўрнатган. Девонбеги хирождан йиғилган пул кўринишдаги солиқларни меҳтар (давлат омборхонаси хизматчиси)га донли маҳсулотларни натура кўришида амлодорларга топширган. Қоракўлда сувдан фойдаланиш устидан назоратни ҳам буюк девронбеги амалга оширган;

3. Парвоначи – ҳукмдорнинг фармонлари ва ёрликларини буюк амирлар ва амалдорларга етказган. Шунингдек, у хонлика истиқомат қилиб келаётган араблар устидан назоратни ҳам амалга оширган;

4. Додҳо – унинг вазифаси фуқароларнинг арзу додларини ҳукмдорга етказиш ва олинган жавобни қайтиб фуқароларга айтишдан иборат бўлган [2:137-153].

Юқорида санаб ўтилган амалдорлардан фақат девонбеги бошқа амалдорлардан фарқли равишта саройдан от устида чиқиб кетиши мумкин бўлган. Қуидаги тўртта лавозим эса ҳукмдор саройидан отда чиқиб кета олмаганлар. Булар:

- эшикофабоши – ҳукмдор остонасининг бош қўриқчиси бўлиб, шу билан бирга, у Шопурком туманини ҳам бошқарган.
- чиғатойбеки – чиғатой уруфининг бошлифи бўлиб, Амиро́бод туманини бошқарган;
- тўқсона – озиқ-овқатни ҳукмдор олдига қўйиш унинг зиммасида бўлган;
- мироҳўри калон – амир ҳузурда туриб, унинг ўнг ва чап томонида бўлаётган воқеаларни кузатиб турган [2:137-153].

Кадимдан шундай қоида бўлганки, эшикофабоши лавозимини эгаллаш ҳуқуқи Зта улус вакилида бўлган. Булар дўрмон, кушчи ва найман. Агар улар орасида лавозимига лойиқ инсон топилмаса, бундай ҳуқуқ бўйрок, қиёт ва хитой уруфи вакилларига ўтган [3:399].

Мироҳўр амир отхонасининг бошлифи ва назоратчиси бўлган. Айнан мироҳўрдан бошлаб юқори лавозимдаги амалдорлар ҳукмдор саройига отлиқ кириши мумкин бўлган. Ундан қуийда турувчи амалдорлар саройга пиёда киришлари шарт

бўлган [4:78].

Иноқнинг вазифасига амирнинг муҳри жойлашган қутичани қўриқлаш кирган. Амирнинг номига элчилар ёки бошқалар юборган ҳар қандай мактуб аввал иноқнинг номига келиб тушган. Иноқ мактубни очган ва ҳукмдорнинг ишораси билан уни муншига топширган. Мунши эса ўз навбатида мактубни баланд овозда ўқиб эшиттирган [5:98].

Тўқсона эса ўз навбатида амир ҳузурида хизмат қилувчи амалдор бўлиб, XVIII асрда унинг асосий вазифаси озиқ-овқат ва ичимликларни сарой хизматкорларига тайёрлаб беришдан иборат бўлган [5:99]. Шунингдек, тўқсона Харконруд туманини ва унинг сув тақсимотини назорат қилган. Аммо XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида тўқсона асосан ҳарбийларга бериладиган унвонга айланаб қолади. Хаников Н. ўзининг "Описание Бухарского ханства" асарида ёзишича "тўқсона" ҳарбий унвон бўлиб, у манғитлардан бўлган аскарга берилса, унга яшил рангдаги түф**** берилган. Агар тўқсона бошқа уруғга мансуб бўлса, амирнинг кўрсатмасига биноан бошқа рангдаги түф берилган [6:185].

ТСМда тилга олинган мансаблардан яна бир шифовулдир. Шифовулнинг ҳам ўзига хос вазифа ва мажбуриятлари бўлган. Амирликдаги кўпгина амалдорларнинг вазифаси вақт ўтиши билан ўзгариб турса-да, шифовул бундан мустаснодир. XVIII асрнинг биринчи яримга оид Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ул асрор" асарида ёзишича, бошқа мамлакатлардан келган элчилар, туман ҳокимлари, қабила ва улусларнинг бошлиқларини қабул қилиш қоидаси ва одати қуидагича бўлган: Биринчи навбатда шифовул олдинга чиқиб, элчини, унинг илтимосини ва келтирган совғалари билан танишитиради. Кейин эса бир неча қадам орқага чекиниб, элчининг саломини етказиб, уни қабул қилишни сўрайди. Агар элчи обрули амирлардан бири бўлса, унда икки амалдор, масалан парвоначи ва тўқсабо элчининг ёнига икки томондан яқин келишиб, уни таҳтёнига келтиради. Ҳукмдорнинг қўли элчининг елкасига теккандан кейин, худди шундай қилиб уни аввали жойига келтириб қўйишиади. Шундан сўнг ҳукмдор элчига ўнг ёки чап томондан ўтиришни айтади. Элчи ўтириб олгач, ундан бирор фикр сўралмаса, у гапирмайди [3:396].

XIX асрда ҳам шифовул – сарой ичидаги хизмат қилувчи амалдорлардан бўлган. Шифовул саройга ва амир ҳузурига ташриф буюрганларга амир билан мумомала қилиш, унинг ҳузурида ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида қисқа маълумотларни берган. Улар амирга танишитирилгач, амир билан саломлашилган: руслар ҳарбийчасига, мусулмонлар эса саждага бош қўйиган каби [7:30].

А.Татаринов ўзининг "Семимесячный плен в Бухарии" ме-муар асарида ёзишича, шифовул саройдан ташқарида яшаган. Эрталабки бомдод намозидан сўнг шифовул саройга йўл олган ва бошқа амалдорлар билан биргаликда ҳукмдорнинг буйрукларини бажариш учун шай турган. Амалдорлар саройдан уйга кечки намоздан олдин қайтишган. Келган барча элчиларнинг таъминоти шифовулнинг бўйинида бўлган. Бунинг эвазига унга хазинадан маълум миқдорда маош тўланган. Баъзан эса доимий даромади шифовулга тегадиган қишлоқлар ҳам эҳсон қилинган. Муаллифнинг ёзишича: "Айтишларича ҳар бир чет эллика маълум миқдорда пул ажратилган, энди эса унга ўзгаришиш киритилди. Бу ўз навбатида давлат харажатларини сезилари даражада камайтириди" [7:32].

Татаринов шифовул ҳузурида бўлган вақтда, у билан бирга Ҳудоёрхон ва Алимқулдан, Хива, Афғонистон, Шаҳрисабз ва бошқа ўлкалардан келган элчилар амалдорнинг уйида яшашган. Ўйнинг ортида яна бир ҳовли бўлиб, унда шифовулнинг оиласи яшаган. Бундан келиб чиқадики, элчилар ва чет эл фуқаролари сони қанча бўлмасин, амалдор уларнинг барчасини таъминотини ўз ҳисобидан қоплаган.

Мирзо Сомий давлат бошқаруви ҳақида гапирав экан, амир Абдулаҳад (1885-1910) даврида амирлик ҳокимияти икки кишининг кўлида бўлганини таъкидлайди. Булар, кози Мулло Мир Бадридин ва Остаңақулбий қулли-кушбеги. Шунингдек, асарда уларнинг ҳар бирининг вазифаси санаб

*** Тарихи салотуни манғития кейинги ўрнларда ТСМ бўлиб келади (Муаллиф).

**** Түф – учига отнинг ёли ўралган, узун таҳтадан ясалган таёқ бўлиб, туркий халқларда у ҳокимият рамзи ҳисобланган.

үтилади. Жумладан, қозикалонга қозилар ва раисларни ла-возимига тайинлаш, фатво чиқариши, аминона (солиқ турини) йиғиб олиш, вақфларни бошқариш, етим-есирларнинг мулкини сақлаш ва қўриқлаш, савдо расталари, карвонсаройлар ва дўйконларнинг курилиши, эски вақф биноларини таъмирлаш кабилар топширилган.

Күшбегининг вазифасига эса давлат хазинасини ва омборларни тартибда сақлаш, давлатнинг ерлари ва мол-мulkини тасарруф этиш, вилоятлардан закот ва бошқа солиқларни йиғиш. Ҳеч бир маъмурий ёки иктисадий иш унинг фикри ва маслаҳатисиз амалга ошмаган. Мирзо Сомий күшбегининг давлатдаги қудратини халифа Хорун ар-Рашид давридаги Жаъфар Бармоқ ҳокимиятидан ўн карра қўпроқ бўлган деб такидлайди [8:123].

Күшбеги ҳақида батафсилроқ маълумот берадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам у XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошида амирликдаги энг юқори давлат лавозими бўлган. XVII-XVIII асрларда мазкур лавозим кўйи поғоналарда турган бўлса-да, кейинчалик давлатнинг бош вазири даражасигача кўтарилиган.

Шарқшунос А.А. Семёновнинг фикрича, XVIII асрда күшбеги хонликдаги олий лавозим бўлмаган. Буни Мұхаммад Юсуф Муншининг "Тарихи Мұқимхони" ва Мир Мұхаммад Амин Бухорийнинг "Убайдулланома" асарида ҳам кўришимиз мумкин. Бир вақтлар Убайдуллахон (17102-1711) күшбеги лавозимини буюк иноқка тақдим этиб (Тўракулбийга), бу икки лавозимни (күшбеги ва инок) бирластирган. А.А. Семёнов: "Балки ўша пайт биринчи марта күшбеги сўзига арабча "кулли" – барча (күшбегий қулл – олий күшбеги), кейинчалик амалдорнинг аҳамиятини ошириш мақсадида, хоннинг хоҳишига кўра кулл кўшимчаси сўзининг бошида, яъни қулл-күшбеги тарзида айтилган ва бу олий лавозим манғитлар ҳукмронлигининг охирiga қадар давом этган" [3:139], дейди.

Күшбегининг қайси миллатга мансублиги тўғрисида баъзи бир мулоҳазалар ҳам мавжуд. Масалан унинг айнан форс, яъни эроний миллатига мансуб бўлиши кераклиги баъзи манбаларда учрайди [1:239]. Уларда айтилишича, бу одат XVII асрдаёқ пайдо бўлган. Бунга сабаб Бухоро амирлари дастлаб амирликда қариндош-уруғлари, оиласи бўлмаган, собиқ қуллардан бўлган инсонни күшбеги лавозимига тайинлашган. Бунинг асосий сабаби олдин қул бўлган инсон ўз мансабини суистеъмол қилимасдан, содиклик билан хизмат қиласи деган фикр эди. Бу борадаги дастлабки тажрибалар омадли бўлган. Яъни Хурсондан келтирилга форс болалари озодликка еришгач, амирга содиклик билан хизмат қилишган. Аммо, кейинчалик улар ҳам оиласи бўлишган ва қариндошлик алоқалари кучайган. Леки-

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Логофет Д.Н. Бухарское ханство- под русским протекторатом. – С-Петербург. 1911.
2. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об их обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. 1948. –Т. V.
3. Бартольд В. В. Сочинения Том II. часть 2. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVIII веке. –М.: Наука, 1964.
4. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. –С-Петербург, 1887.
5. Мирза Бади Диван. Маджмаъ ал-аркам (предписания фиска) приёмы документации в Бухаре XVIII в. / Факсимилие рукописи. Введение, перевод, примечания и приложения А.Б. Вильдановой. – М.: Наука, 1981.
6. Хаников Н. Описание бухарского ханства. –Санкт-Петербург. 1843.

***** ТСМда Сомий мұхым тарихий шахслар ёки саналарга бағишилаб байтлар ёзган.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада Мирзо Абдулазиз Сомий қаламига мансуб бўлган "Тарихи салотини манғития" асарида Бухоро амирлигининг XIX асрнинг охри XX асрнинг бошидаги давлат бошқарув аппаратига оид мълумотлар таҳлил қилинади. **Таянч сўзлар:** күшбеги, девонбеги, инок, парвоначи, эшикагабоши, оталик, тўқсанбоғи, шифовул.

♦ **Аннотация:** В статье анализируются сведения о государственном управлении Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX веков в произведении Мирзо Абдулазиза Соми «Тарихи салатини манғития» (История мангитских государей). **Ключевые слова:** күшбеги, диванбеки, инак, парваначи, ишикагабоши, аталик, тўқсанбоғи, шигавул.

кин күшбеги лавозимига эроний шиалардан тайинлаш одати йўқолмаган [9:139].

Амирликнинг охирги күшбегилари ўз қариндош-уруғларига амирликнинг юқори лавозимларини тақдим этишган. Эроний форсларнинг амирликдаги ҳокимиятияга қарши турувчи куч бу ўзбек, аниқроғи манғит амалдорлари бўлган. Улар ўртасидаги курашнинг яқъол юзага чиққанини 1910 йилда Бухорода бўлиб ўтган суннийлар ва шиаларнинг можаросида кўришимиз мумкин [10:30].

Мирзо Сомий Бухоро амирлигидаги қүшбегилар иккита бўлганини айтади. Жумладан, асарнинг амир Абдулаҳад ҳукмронлиги баён қилинган бобида у "байт"**** келтиради. Унда қайд этилишича шаҳар қозиси, иккита қүшбеги ва ҳукмдорга фуқаролар мурожаат қилганда, уларнинг биринчиси (қози)ни "умидгоҳ", иккинчисини "соҳиби давлат", учинчисини "мавло" (ҳомий) дейишган. Мирзо Сомийнинг "Бир қинга икки пичоқ сиғмайди, бу ерда эса бир қинга тўрт пичоқ сиққан", деб ёзганидан қози ва қүшбегининг малакат бошқарувида деярли амир билан бир қаторда турганини кўришимиз мумкин [8:117].

Амирликда қүшбегиларнинг иккита бўлганини бошқа манбалар ҳам тасдиклиди. Улар "күшбегий боло" ва "күшбегий поён" бўлиб, биринчисига давлат ишлари буюрилган бўлса, иккинчиси ҳарбий юришлар вақтида лашкарбоши этиб тайинланган [11:27]. Агарда уларнинг фаолияти қониқарли бўлмаса, улар вақти-вақти билан ўрин алмасиб туришган.

"Күшбегий поён"нинг вазифасига оид малумотлар турли-туман. Баъзи манбаларда у амирликнинг ташки сиёсатини назорат қилиб, Петербуррга элчи сифатида юборилган дейилса [12:31], бошқаларида эса у давлатнинг бош закотиси (закот йиғимини назорат қилган) ва девонбеки унвонида бўлган. Бекликларнинг барча девонбекилари Бухоро девонбекисига, яъни қуий қүшбегига бўйсунишган дейилади [13:46]. Бу фикр Мұхаммад Али Балжувонийнинг "Күшбеги олдин девонбеки мансабига мушарраф бўлмоғи лозим бўлиб, шунда қүшбеги бўлишга лойиқ саналган" [11:27], деган фикрини исботлайди.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, XIX асрнинг охри ХХ асрнинг бошида Бухоро амирлигининг ўзига хос давлат бошқарув тизими бўлган. Асарда тилга олинган барча унвон ва лавозимлар таҳлили шуни кўрсатадики, амирликда турли унвондаги амалдорлар хизмат қилган ва уларнинг аниқ белгиланган вазифалари бўлган. Вакт ўтиши билан баъзи амалдорларнинг вазифалари ўзгариб турса-да, аксариятиники ўзининг асл моҳиятини сақлаб қолган. "Тарихи салотини манғития" да келтирилган воеаларнинг таҳлили эса амирликнинг давлат бошқарувига оид малумотларини бойитишга хизмат қиласи.

7. Татаринов А. А. Семимесячный плен в Бухарии. – М., 1867.

8. Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини манғития (История мангитских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – М.: Наука, 1962.

9. Шубинский П.П. Очерки Бухары Исторический вестник. – С-Петербург. 1892.

10. Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон. 1977.

11. Мұхаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофей. –Т.: Академия, 2001.

12. Логофет Д.И. Страна бесправия. – С-Петербург, 1909.

13. Кисляков Н.А. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начале XX в. – М.: Наука, 1962.

14. Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. –Душанбе: До-ниш, 1972.